

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 9-MAY, PAYSHANBA, 58 (8139)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



► Куала-Лумпурда жорий йил 16-17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Замонавий уй-жой қурилиши - қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили" мавзuidaги халқаро конференция якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

► Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан сайғоқларни асрашга бағишланган тадбир ташкил этилди. Тадбирда сайғоқларни овлайдиган браконьерларга қарши кураш, табиатни асраш гоёси илгари сурилган "Чўл эртаги" мультфильмининг тақдими ўтказилди.

► Гулистон шаҳрида таълим самарадорлигини оширишда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга бағишланган анжуман ташкил этилди. Унда ўзбек тили ва адабиёти дарсларини ўтишда АКТдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш зарурати хусусида фикр юритилди.

НУРАФШОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Тинчлик — бебаҳо неъмат. Тараққиёт ва фаровонлик асоси. Унинг қадрини уруш заҳматларини, фожиаларини, асоратларини бошидан кечирган одам янада теран англайди. Хотира ва қадрлаш куни байрами арафасида жойларда бўлиб ўтаётган тадбирларда ҳам айна шу ҳақиқат бот-бот так-

рорланаётир. Уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган юксак эҳтиром ҳам аслида тинчликка қаратилган эҳтиромдир. Бухоро шаҳридаги Исмоил Бухорий маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ниёз ота Гулов ҳам учрашувларда, неварая эваралар даврасида бу ҳақда кўп бора таъкидлайди. Отахон ёшларни юртимиздаги тинчлик

ва осойишталик, фаровонлик ва ободликнинг қадрига етишга даъват этади. Яқинда Бухоро шаҳридаги тарих фанига ихтисослаштирилган 6-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган учрашувда ҳам ўқувчилар урушдан сўнг қурилиш соҳасида самарали меҳнат қилган нурунийнинг ўғитларидан баҳраманд бўлди. **Т.ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.**

Андижон Вилояти

ТОМОРҚА — ХАЗИНА

ЕНГИЛ КОНСТРУКЦИЯЛИ ИССИҚХОНАДАН САЛМОҚЛИ ДАРОМАД

Вилоят марказига туташ Хакон қишлоғида олти мингдан зиёд аҳоли умргузаронлик қилади. Қишлоқнинг ёшу қариси миришкор деҳқон. Хаконни Андижоннинг сабзавот цехи деб ҳам аташади. Боиси, улар ердан шу қадар самарали фойдаланишадики, йил-ўн икки ой давомида бозорларга энг сара резаворлар етказиб беришади. Эртаги сабзавот ҳам дастлаб Хакон қишлоғида етиштирилади.



Қишлоқнинг Қоратут маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шокиржон Режапов ҳам минглаб миришкорлардан бири. У оиласи билан енгил конструкцияли иссиқхонасида бодринг ва помидордан мўл ҳосил олади. Кеч куздан эрта баҳоргача резавор етиштиради. — Шу мўъжазгина иссиқхона турмушимизни обод қилиб турибди, — дейди хонадон бекаси Ойистахон Режапова. — Ошқўқлар ўрнига олти юз туп "Орзу" навли бодринг кўчатларини ўтказдик. Мана ҳосилга кирди. Бозор ҳам, рўзгор ҳам обод. Сўнгги йилларда мазкур қишлоқ ми-

ришкорлари иссиқхоналарни ёқилги билан иситиш усулидан воз кечишди. Энди плёнка икки қават қилиб ёпиляпти. Куёш йилт этиши биланоқ ўсимликка ҳароратнинг таъсири ортаверади. Айтайлик, бир туп бодринг ўртача беш килограмм ҳосил беради. Даромади ўртача олинганда ўн минг сўм бўлади. Иссиқхонада эса олти юз туп бодринг кўчати бор. Энди даромадини ўзингиз ҳисоблаб кўринг-а. Мана шу иссиқхона, мана шу даромад боис оила тўкин. Қолаверса, "Тико", "Дамас" каби машиналарга айланыпти. Қоратут маҳалласида бирорта хона-

дон йўқки, томорқасида бир қарич бўш ер бўлса. Маҳалла оқсоқоли Хурсандбек Абдурахмоновнинг айтишича, айнаи томорқа хўжалигидан самарали фой-

даланиш эвазига ҳар бир хонадонда тотувлик ва барака мужассам. **Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" муҳбири.**

ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Бир-бирига узвий боғлиқ бўлган хотира ва қадр тушунчалари аслида тирикликнинг азалий мезонларини ифодалайди. Зотан, ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида қувончли ва қайғули воқеа-ҳодисаларни гоҳ англаб, гоҳ англамай, онгу шуурига қайд этиб бораверади. Вақти келиб, улар ўтмиш билан алоқадор хотиралар сифатида ҳаётнинг пасту баландидан сўзловчи, келгуси авлодларга тўғри йўл кўрсатувчи донишмандлик маънига айланади.

Дунёдаги барча халқлар тарихий хотира билан барҳаётдир. Тарихий хотира билан яшаш, аждодлар хотирасига юксак эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардан ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ўзининг “Юксак маънавият — энгилмас куч” асаридан ушбу сананинг тарихига атрофлича тўхталган:

“...Биз мазкур сананинг асл инсоний маъно-моҳияти ҳамда жамоатчилигимизнинг бу борадаги таклиф ва мулоҳазаларини инobatга олган ҳолда, 9 май кунини мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлашга қарор қилдик. Бу воқеа, ҳеч шубҳасиз, юртимизда тарихий хотирани тўлақонли тиклаш йўлида ҳаётнинг ўзи тақозо этган яна бир жиддий қадам бўлганини айтиш лозим. Шу муносабат билан пойтахтимизда, вилоят ва туманларда совет мафкурасини ўзида ифода этган эски ёдгорликлар ўрнига халқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди.


Ана шу майдонларда барпо этилган ёдгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилгани, улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилддан иборат “Хотира” китоби чоп этилгани, айтиш мумкинки, мамлакатимиз

тарихида ибратли маънавий воқеа бўлди”.

Дарҳақиқат, ушбу сана халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Иккинчи жаҳон уруши даврида ота-бобоси ёки яқин қариндошларидан жудо бўлган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил этади. Қайд этилишича, юртимиздан 1 миллион 500 минг киши урушда қатнашган. Улар орасидан қарийб 500 минг ватандошимиз урушдан қайтмаган.

— Бизнинг болалигимиз Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келган, — дейди Тошкент вилояти Паркент туманидаги Хўжа маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Миртурсун ота Мирҳомидов. — Ўша даврнинг турмуш машаққатларини катталар билан баравар зиммамизга олганмиз. Уларнинг кўзларидаги изтироб ва ғам-андуҳларни кўриб, беғубор болалик қувончларини тўлиқ ҳис қилмай, эрта улғайганмиз. Бугунги мустақиллик болаларига ҳавасим келади. Улар тўкин-сочин ҳаёт бағрида, замонавий имкониятлардан тўлалигича фойдаланган ҳолда яшамоқда. Энг муҳими, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган биз каби кексаларнинг уларга тўғри йўл кўрсатувчи мураббийлар сифатида ардоқланиши эса ҳар биримизга олам-олам қувонч бағишлайди.

Байрам арафасида Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, юртимиз шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва ма-



ҳаллаларида уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилди. Шунингдек, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларида маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида турли учрашувлар, маърифий-бадий тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилмоқда.

— Умримнинг кейинги йиғирма икки йили энг қувончли дамлар бўлди, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғида яшовчи 90 ёшли Миртурсун ота Худойберганов. — Мустақиллик давридаги кенг имкониятларни, набираларим

камоли ва уларнинг орзу-ҳавасини кўрдим. Юртбошимизга кўпдан кўп раҳмат. Тинч-осойишта юртимизда қариялар ҳамisha давраларнинг тўрида. Яқинда Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонини ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Бу мен каби уруш фахрийларини нафақат моддий рағбатлантириш, балки маънавий қўллаб-қувватлашнинг навбатдаги ёрқин намунаси.

Уруш ва меҳнат фахрийлари бўлган кекса юртдошларимиз бугун ана шундай шукроналик ҳисси билан яшамоқда. Шукроналик бўлган жойда эса ҳеч қачон файз-барака аримайди. Бинобарин, турмушимиз обод бўлиб, жонажон Ватанимиз янада равнақ топаверади.

Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ

Урушдан қайтганимдан сўнг, узоқ йиллар туман сув хўжалиги тизимида фаолият юритдим. Фидокорона меҳнатларим эса Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланиб, «Жасорат» медали билан тақдирландим.

ЭЪТИБОРДАН Кўнглимиз Қувончга Тўлди

Кунини кеча туман ҳокимлиги, “Нуроний” жамғармаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари, ҳарбийлар ва ёшлар йўқлаб келиб, менга пул мукофоти ва совға-саломлар топширишди. Тўғриси, мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган бундай эъзоз ва эҳтиромдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Шунинг учун Президентимизга минг раҳмат.

Яратганга беадад шукр, бугун юртимиз тинч ва фаровон. Шу кунларга етказганига шукр. Ҳозирда озод ва обод Ватанда фарзандларим, набираларим даврасида қариллик гаштини суриб ўтирибман. Мустақиллик ёшларига қараб туриб, жуда ҳавасим келади. Улар шундай тинч ва дориломон кунларда яшамоқда.

Барча соғлом фикрли кишилар назарида тинчлик-осойишталик энг улғу неъматлар сирасига кирди. Шу боис, файзли давраларда, дастурхон атрофида қилинажак дуоларимизда Яратгандан омонлик, хотиржамлик, сиҳат-саломатлик сўраймиз. Айниқса, биз каби талотўп замонларнинг заҳматларини, уруш азобларини бошидан кечирганлар тинчликнинг қадрини нечоғлик буюк эканлигини чуқур ҳис этамиз. Мана, бугун элу юртимизнинг эъзоз-ҳурматидамиз. Юртнинг кун сайин обод бўлиб бораётганини, фарзандлар камолини кўришдан ортиқ бахт борми?!

Отабой ОМОНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, “Жасорат” медали соҳиби.

Жиззах вилояти
Фаллаорол тумани
Қизилкўрғон қишлоғи

БУ КУНЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИНГ

Президентимизнинг 2013 йил 25 апрелдаги “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ 9 май – Хотира ва қадрлаш куни олдида биз уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилган юксак эҳтиром дилимизни шод этмоқда.

Юртбошимиз фармонига кўра маҳаллий ҳокимлик вакиллари йўқлаб келишганида, эъзоз ва меҳр оғушида яшаш инсонга чексиз қувонч бахш этишини яна бир бор дилдан ҳис этдим. Бунинг учун Мухтарам Президентимиздан чексиз миннатдорман. Юртимизда қарор топган тинчлик-осойишталик – катта бахт, барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар эса халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Айниқса, биз фахрийларнинг саломатлигимиз учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётганидан бошимиз осмонга етмоқда.

Эришилаётган ютуқларимизнинг асосий омилли – юртимиздаги тинчликдандир. Ён-атрофимиздаги воқеалар, жаҳондаги кўплаб давлатларда бўлиб турган мудҳишликлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги табиий. Бугунги осойишталикка, дориломон кунларга шукроналик айтишимиз лозим. Зеро, тинчлик – энг олий неъмат. Тинчлик – тараққиёт негизи.

Бугун болаларим, набираро эвараларим ҳаётига, турмушига қарар эканман, шу кунлар билан кечани солиштирар эканман, тинчликнинг қадрини нақадар улғулигини яна



бир бор ҳис этаман. Бизнинг ёшлигимиз уруш ва ундан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Урушнинг асорати ҳамон юрагимиздан кетмаган. Меҳнат ва фақат меҳнат билан кунимиз ўтди. Роҳат нимадигини билмадик. Ана шундай шароитда фарзандларимизни улғайтирдик. Бугун уларнинг барчаси уйли-жойли бўлиб кетишган. Ҳаммасининг турмуши чиройли, обод, файзли. Буларнинг барчаси мус-

тақилликнинг, юртимиздаги тинчликнинг шарофатидан. Шундай бахтиёр кунларга етказганига шукрона айтаман. Фарзандларимга, набираларимга қайта-қайта уқтиришдан, таъкидлашдан чарчамайман: бу кунларнинг қадрига етинглар.

Темур ДАВЛАТОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,
“Жасорат” медали соҳиби.
Навоий шаҳри

ЭКЗОТИКАНИ ХОРИЖДАН ИЗЛАШГА ХОЖАТ ЙЎК

ЮРТИМИЗНИНГ БЕТАКРОР ТАБИАТИ ЭКОТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ МУМКИНЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА

Мамлакатимизда туризмнинг турли шакллари ривожлантириш учун жуда кенг имкониятлар мавжуд. Зеро, юртимизда бўлган хорижлик сайёҳлар томонидан гўзал табиати билан жаҳонга доврўқ ёйган Швейцарияга қиёс этилган сўлим гўшалар талая. Ҳаттоки, баъзи жиҳатларда устунроқ ҳам дейиш мумкин.

Хусусан, бой тарихимиз, маданиятимиз, тарихий обидалар, ҳайбатли тоғлар, кенг яйловлар ва дашту чўл ҳудудлар, бетакроп манзаралар соғлигини тиклашни истаганлар учун эса шифобахш минералларга бой булоқ сувлари ва бошқа ўзига хос, жаҳонда ўхшаши йўқ тиббий муолажалари мавжуд масканлар сайёҳларни жалб этиш учун катта имкониятдир. Ана шундай ўзига хос, жозибали масканлардан бири Навоий вилоятининг қадимий манзилгоҳларга бой Нурота туманида жойлашган Сентоб қишлоғидир. Яқинда ушбу қишлоққа бир гуруҳ журналистлар иштирокида медиатур амалга оширилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан, Навоий вилоятидаги “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда Нурота туманидаги Сентоб қишлоғи “Сентоб таги жар” фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

БМТ Жаҳон туристик ташкилоти маълумотларига қараганда, ўтган йили жаҳонда туризмдан кўрилган фойда жами 1 триллион 300 миллиард АҚШ долларидан ошган. Яъни, даромад олиш бораида туризм соҳаси нефть экспорти соҳаси билан беллаша бошлади. Қиёс учун: туризм манзилгоҳлари билан ном қозongan Швейцарияда миллий даромаднинг 15 фоизини туризмдан тушаётган маблағлар ташкил қилади. Мамлакат бюджетига ушбу соҳадан ҳар йили 1 миллиард 500 миллион АҚШ доллари миқдорида тушум бўлади.

Ўзбекистон ҳам туризмни иқтисодийнинг етакчи тармоғига айлантириш учун барча имкониятларга эга мамлакат

ҳисобланади. Туризмни катта даромад манбаига айлантириш учун мақбул инфратузилмани яратиш ва тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Ҳали ҳам кенг оммага, жаҳон ҳамжамиятига жаннатмонанд ўлкамининг ўзига хос гўзаллиги, маълум бўлиб улгурмаган қирралари бор. Медиатурни уюштиришдан мақсад ҳам сайёҳларни юртимизнинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан таништиришдан иборат эди. Одатда сайёҳ деганда асосан хорижликлар назарда тутилади. Аммо кейинги пайтларда ҳамюртларимиз орасида ҳам турмуш шароити яхшиланиб саёҳатга, хусусан, хориж сафарига отланаётганлар кўп. Шу сабаб, бизнинг эъти-



боримиз “ҳаво алмаштиришни” хуш кўрувчи ватандошларимизга ҳам қаратилган. Зеро, улар орасида ўз юртини, тарихий жойларини, хилма-хил табиатини, ажойиботларини, гўзаллигини кўриб, билмаганлар ҳам бор. Азиз юртдошлар! Экзотикани истайсизми?! Уни хориждан излашга ҳожат йўқ.

Экотур иштирокчилари танишган Сентоб қишлоғи денгиз сатҳидан 2100 метр баландликдаги Нурота тоғ тизмаси ёнбағирларида жойлашган. Қишлоққа элтувчи йўл сой

бўйлаб тушган бир томони тика тоғ бошқаси эса чуқур жарликдан иборат. Қишлоқнинг ўртасидан Сентобсой оқиб ўтади. Қишлоққа кирган захотингиз тошларга урилиб оқаётган шўх сойнинг шовқини эътиборингизни тортади. Аммо бу шовқин кишига тинчлантирувчи, сокинлик бахш этади. Шунингдек, тошлардан тикланган иморатлар ҳам фаройиб кўринади. Янгитдан қурилган қишлоқ врачлик пункти, мактаб ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғини идораси каби бир нечта биноларни ҳисобга олмаганда, аксари уйлар гўё маҳобатли тоғларга уйғун бўлиши учун тошдан тикланган. Бу ҳолатни, албатта, тоғолди ҳудудларда тош энг арзон ва қулай қурилиш материали эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Икки минг кишидан ортиқ қишлоқ аҳолисининг асосий даромади чорвачилиқдан келади. Шунингдек, аҳоли зи роатчилик, ҳунармандчилик

кин. Шунингдек, қишлоқ яқинида ташлаб қўйилган коншахта ҳам мавжуд. Бу ерда қадимдан кончилик билан шуғулланилган. Хусусан, илк ўрта асрларда ҳудуднинг кончилик марказларидан бири бўлгани археолог олимлар томонидан исботланган. Маҳаллий аҳолининг, айтишича, ҳозир ҳам қишлоқ атрофида кон изловчилар учраб туради. Кўриб турибсизки, саргузашталаб, хазина изловчилар ҳам зерикиб қолишмайди.

Қишлоқдан юқорига кўтарилганда, баландлиги денгиз сатҳидан 2136 метр бўлган Фозилмон тоғида ажойиб кўл мавжуд. Кўлнинг айланаси 14 км. бўлиб, фақатгина қор, ёмғир сувлари ҳисобига тўйинади. Сентоб қишлоғидан тахминан 25 км. узоқликда эса яна бир кўл жойлашган. Бу кўпчиликка яхши таниш ва нисбатан яқин ўтмишда шакланган Навоий ҳамда Жиззах вилоятлари ҳудудида жойлашган Айдар-Арнасой кўллар ти-



лашгандир, — дейди медиатур лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати матбуот хизмати раҳбари Тожддин Қамаров. — Қишлоқ туман марказидан ҳам айтарлиқ узоқ масофада эмас — 140 км. Туман марказидан унча узоқлашмаган ҳолда аслича сақланиб қолган, гўзал табиат манзараларидан баҳра олиш имкониятининг мавжудлиги қўшимча қулайлик яратади. Бундай ҳудудларда айнан экотуризмни ривожлантириш шуниси билан аҳамиятлики, биринчи навбатда, бунда маҳаллий аҳолининг табиатни — экологияни, ўсимлик ва ҳайвонот оламини соф, тоза, асл ҳолида асрашдан манфаатдорлиги ошади. Жаҳон тажрибасида экотуризм ҳаттоки, браконьерларга қарши курашга ҳам ҳожат қолдирмаслиги кузатилган. Маълумки, сайёҳлар гўзал табиатга, ўзига хос маданият, тарихга ошuftа. Сайёҳлар оқими маҳаллий аҳолини иш, даромад билан таъминлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасида ишчи кучига талаб пайдо бўлади. Маҳаллий аҳолининг ўзи табиатнинг энг ишончли кўриқчисига айланади. Қолаверса, меҳмонларда ўймакорлик, каштачилик, зардўзлик каби халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари ҳам катта қизиқиш уйғотишига шубҳа йўқ.

Экотуризмнинг яна бир афзаллиги шундаки, бунда ҳудуд инфратузилмасида улкан ўзгартиришлар қилиш, кўплаб қурилишларни амалга ошириш, яъни, соҳага катта ҳажмдаги инвестицияларни киритишга ҳожат йўқ. Чунки бу ҳолатда аксинча, ҳудуднинг ўзига хос табиатига, жозибадорлигига зарар этади. Сайёҳлар учун бирламчи, оддий шароит ва қулайликлар яратиб берилса, кифоя. Ахир, экотуризм ихлосмандларини энг сўнгги русумдаги маиший техника, замонавий мебеллар билан жиҳозланган меҳмонхоналар эмас, айнан гўзал табиат, халқнинг ўзига хос турмуш-тарзи миллий қадриятлар жалб этади.

Азиз НУРУЛЛАЕВ



билан ҳам шуғулланади. Асосан кўй, эчки шунингдек, қорамол ва от, ҳатто, туя ҳам боқилади.

Қишлоқда истиқомат қилувчи, ҳозирда пенсиядаги тарих фани ўқитувчиси Хикматилло Бойирбоевнинг айтишича, Сентоб қишлоғи номининг келиб чиқиши билан боғлиқ кўплаб ривоятлар мавжуд. Улардан энг ҳақиқатга яқини куйидагича: “Синд” — катта ва “об” — сув, яъни Сентоб — катта сув, деган маънони англатади. Тарихчи қадимда бу ерда қайиқлар ҳаракатланиши мумкин бўлган даражада катта сув оққанини, атрофдаги тошлар ва ҳозирда чуқур жарликдан оқаётган сойнинг ҳолати шундан дарак беришини таъкидлайди.

Дарҳақиқат, қишлоқ бир неча асрлик тарихга эга эканлигига шубҳа йўқ. Сайёҳларни қишлоқнинг ажойиб кўриниши, гўзал табиати, одамлари, маданияти, турмуш тарзидан ташқари, қадимги аجدодларнинг шу ердаги тоғу тошларга ўйиб туширган ёзувлари — петроглифлар ҳам жалб этади. Бу ерда тошга ўйилган қадимги сўғд ва араб алифбосидаги ёзувларни, ҳайвонларнинг тасвирларини кўриш мум-

зимидир. Кўлга элтувчи йўл қулай, текис ва равонлигини таъкидлаш лозим. Бу ерда саёҳатчилар учун балиқ ови, кўл бўйлаб қайиқда ёки унинг атрофида, Қизилкум чўлларида от ва туяда сайр ташкил қилиш мумкин.

Саёҳатчиларда катта қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган яна бир манзил қишлоқдан 3 км. узоқликда кўшни Жиззах вилояти Фориш туманининг Махрум қишлоғида жойлашган, Нурота давлат кўриқхонаси ҳудудидаги арчадир. Бу арча — Шарқ биотаси ҳақида Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам маълумот бор. Унинг ёши камида минг йил (кўриқхона хизматчисининг айтишича 2300 йил) деб, белгиланган. Қалинлиги айланасига 23 метрни ташкил қилади. Афсонага кўра, уни Искандар Зулқарнайн аскарлари эккан экан. Бундай афсоналарда ҳақиқатнинг ҳиссаси қанча эканлигини аниқлаш мушкул. Аммо атрофда табиий ҳолда ўсган бошқа биронта арчани учратмайсиз.

— Ушбу ҳудуднинг афзаллиги бир неча туристик йўналишларнинг, табиат ажойиботларининг нисбатан бир-бирига яқин бўлган ҳудудда жой-



Сентобда фаолият юритаётган кичик меҳмонхоналардан бирига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қуёш энергияси асосида ишловчи сув иситиш мосламаси ўрнатилган. Унинг қуввати 200 литр сувни 60-70°C гача иситишга этади.

ЖЕЙНОВ МАКТАБИНИ ЯРАТГАН ИНСОН

Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшган фидойилар кўп. Шулардан бири – миришкорлик Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов эди. Президентимиз томонидан 2002 йил 19 октябрда бу инсон ҳақида айтилган таъриф-тавсиф чуқур маънога эга: «Муродулла ака янгиликсиз яшай олмайди. У ислохотнинг ўзига хос Жейнов мактабини яратиб қўйди. Саидовнинг ўзини ҳам, меҳнатини ҳам яхши биламан. Фидойи инсон! Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳақиқий қаҳрамони».



қадрли ва азиз инсон Муродулла Саидовнинг руҳини шод этамиз. Зеро, инсон умри унинг яратувчанлиги ҳамда қолдирган эзгу амалларида яшайди.

Муродулла Саидов катта оиланинг етакчиси ҳам эди. Ўғиллари Омонулла ва Собир, қизлари Гулчехра, Сожида, Камола, Ирода ва ўттизга яқин наби-ралар эл ардоқлаган инсоннинг муносиб ворислари.

– Отам ҳақида ҳар қанча илиқ сўзларни айтсам озлик қилади, – дейди Муродулла Саидовнинг фарзанди Собир Саидов. – У киши нафақат юртпарвар, элпарвар, шу билан бирга, оилапарвар инсон ҳам эди. Бизнинг ўқимизни, юриш-туришимизни доимо назорат қилиб, ўзининг йўл-йўриқлари, маслаҳатларини бериб турарди. Отамнинг васиятлари доимо қулоғим остида жаранглаб туради. Аҳил-иноқ бўлиб яшашга ундайди. Шунинг ўзи ота васиятининг нечоғлик улуг ҳамда қимматли эканлигидан далолатдир.

– Бизда 25 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди, – дея суҳбатга қўшилди Жейнов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шоди Қурбонов. – Улар ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, тадбиркор раҳбар, Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов яратган мактабни янгича шароитда мустақамламоқдалар. «Абдурахмонов Маҳад», «Баратов Жамшид Баҳриддинович», «Мейлиев Хуршид Қаҳрамонович», «Бунёд қизи Хонзода», «Янгиев Акбар Холбоевич» сингари 60 дан ортиқ фермер хўжаликлари ислохотнинг Жейнов мактаби аъналарига содиқ қолишмоқда. Худудимизда барча тармоқлар жадал ривожланиб, тараққиётнинг порлоқ эртаси таъминланмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони Муродулла Саидов 73 йиллик умрини Ватан, халқ ишига бағишлади. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшди. Жейновда пахтачилик мактабини яратди. У катта қўламдаги қурилиш, ободончилик ишларига бош-қош бўлди. Жейнов қишлоғи Истиклол йилларида шаҳарча мақомини олди.

– Мен ўз умримдан, ҳаётимдан розиман, – деган эди Муродулла Саидов ҳаётлигида. – Бизда меҳнат қилган инсон ҳеч қачон кам бўлмас экан. Эл-юрт олдидаги камтарона меҳнатимиз Муҳтарам Президентимиз Фармони билан муносиб баҳоланди. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини қишлоғимиз, қолаверса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатига берилган юқори баҳо деб биламан.

Ҳа, моҳир раҳбар Муродулла Саидов ана шундай хислатлар эгаси эди. Унинг иккинчи умри бунёд этган боғ-роғлари, қурган иморатларию беҳисоб шогирдлари ишида яшамоқда.

Хусан ТЕМИРОВ

лачилик, боғдорчилик, чорвачилик сингари тармоқлар тараққий этди. Чўл шароитида ҳосилдорликни ошириш учун ерни эъзозлаш, унинг ҳолатини тубдан яхшилаш бўйича кенг қўламдаги ишлар бажарилди. Қишлоқда қурилиш, ободончилик борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. «Оллоберди бобо» чойхонаси, кўш қаватли иккита савдо маркази, маиший хизмат уйи, савдо дўконлари, маданият саройи, учта мактабгача тарбия муассасаси, тўртта умумтаълим мактаби бинолари қурилиб, ишга туширилди. «Жейнов-Айзабод-Булуҷ» йўли асфальтлаштирилди. Ёшлик маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилиб, у ерда замонавий типда 101 оилага мўлжалланган кotteжлар қурилди. Бу коттежлар меҳнат ва уруш фахрийлари, илғор сувчи, механизатор, ўқитувчи ва шифокорларга берилди. Жейнов, Булуҷ ва Айзабод қишлоқлари аҳолиси учун 500 дан ортиқ яқка тартибда томорқа ер участкалари ажратилди. Юз гектарлик мевали боғ ташкил қилинди. Бу ишларда М.Саидовнинг ҳиссаси катта бўлди.

– Инсондан ҳаётда нимадир қолиши керак, – деган эди Муродулла Саидов ҳаётлигида. – Бу, энг аввало, инсон соғлиги билан боғлиқ масалада муаммо бўлмаслиги керак. Чунки мустақиллик туфайли Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида барча имкониятлар берилди. Фақат ишни тўғри ташкил этиб, мақсадли дастур асосида ишлаш ютуқлар омили бўлади. Ана шу туфайли ҳам 1997 йилда икки қаватли шифохона мажмуасини қуриб, ишга туширдик. Дехқонларимизни даволаш мақсадида доимий равишда шифохонани ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлаб турдик. Техникани сақлаш учун марказий автосарой қайта қурилди. Қишлоғимизда табиий газ, ичимлик суви таъминоти тўла йўлга қўйилди.

Муродулла ака эрта тонгда дала айланиб, пахтақору ғаллакор, соҳибқору чорвадор ишидан бохабар бўлиш билан бирга бандликни таъминлаш, айниқса, қишлоқ ёшлари-

ни ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш йўллари излади. Жейнов қишлоғида 200 ўринли касб-ҳунар коллежи биносини қуриш, унинг атрофини ободонлаштиришда бош-қош бўлди. Бундан ташқари, 2000 йилнинг декабрь ойида Исроил технологияси асосида 2 тонна сутни қайта ишлайдиган замонавий завод қурилди. Бунинг учун банкдан 285 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит олинди. Мустақиллик йилларида қишлоқда «Нафосат», «Сайфулло бобо», «Умид», «Таъминот», «Лазиз», «Сафар ота» каби 17 та кичик корхона ташкил этилди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 500 нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди. Қишлоқ қабристонидан кенг қўламдаги ободончилик ишлари амалга оширилди. «Ғойиб ота» мақбараси қайта тикланди. «Тарих музейи», «Ал-Арабия» этнографик бадиий дастаси, «Араб» миллий-маданий маркази фаолияти йўлга қўйилди. Кўчалар электр чироқлари билан ёритилди.

– Мен Муродулла Саидов билан 33 йил бирга яшаб, у кишидан фақат яхши гапни эшитганман, – дейди М.Саидовнинг турмуш ўртоғи, моҳир мураббий, педагогика фанлари номзоди, айна пайтда тумандаги «Муродулла Саидов» фермер хўжалиги раҳбари Салтанат Саидова. – Биз йил сайин пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштиряпмиз. Биргина 2012 йилда пахтадан қарийб 40 центнердан, дондан 60 центнердан хирмон кўтардик. Ялпи даромадимиз 300 миллион сўмни, соф фойдамиз 100 миллион сўмни ташкил этди.

Обод турмуш йилида ҳам режаларимиз янада юксак. Пахтадан 45 центнердан, ғалладан камида 70 центнердан ҳосил олмақчимиз. Бу билан биз

ИСТИҚЛОЛ ҚАЛБИГА ҒУРУР, КУЧИГА КУЧ БАХШ ЭТГАНДИ

Хотира ва қадрлаш куни. Бундай дамларда кўз ўнгингизда эл-юрт фаровонлиги, Ватанимиз равнақи йўлида фидойи меҳнат қилган инсоний фазилатлари билан ном қозонган кишилар сиймоси жонланади. Улар ҳақида сўз айтишни истайсиз. Чунки инсон хотира билан тирик. Унинг номи, қилган савобли ишлари хотирлаш орқали авлоддан авлодга ўтади.

Хивалик оддий дехқон, тумандаги «Ўзбекистон» хўжалигида узоқ йиллар бригада бошлиғи, бош пудратчи, фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаган Бектурди Жуманиёзов ана шундай инсонлардан эди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Хива шаҳрининг шундоқкина ёнида Чаношиқ деган қишлоқ бор. Қишлоқ номи

«чин-ошиқ» сўзининг бирикмасидан келиб чиққан, дейишарди. Ҳақиқатан ҳам қишлоқ кишиларининг қалби муҳаббатга, садоқату ҳимматга тўла. Улар она заминнинг, ўз касби-корларининг, яратувчанлик меҳнатининг чин ошиқларидир. Шу боис ҳам қишлоқ Истиклол йилларида кун сайин чирой очмоқда аҳолисининг дастурхонлари тўкин. Ўзбекис-



тон Қаҳрамони Бектурди Жуманиёзов ҳам шу эл фарзанди эди.

Воҳада 2001-2002 йилларда сув тақчиллиги рўй берганди. Ўша мураккаб шароитда ҳам Бектурди ака бошлиқ дехқонлар 70 гектар майдонга чигит экиб, унинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта етиштирган эдилар. 40 гектар ғалла майдонида ҳосилдорлик 70 центнерга етганди. Бу — воҳа шароитида заҳматли меҳнат, бой тажриба ва омилкорлик асосида эришиладиган ютуқ эди. Бектурди ака жамоасини ҳар доим муваффақиятлар сари етаклайдиган инсон эди.

1960 йиллар ўрталаридан 2005 йилгача хўжаликда ишлаган, шундан сўнг 4 йил давомида «Дилшод» фермер хўжалигига раҳбарлик қилган Бектурди Жуманиёзов меҳнат

фаолияти давомида масъулиятни ҳис қилган, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳоҳиятини чуқур англаган ҳолда меҳнат қилди. Истиклол эса унинг юрагига янада ғайрат-шижоат, қалбига ғурур, биланга куч ато этди. Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экишга қатъий риоя қилиш, дехқончилик маданиятини ошириш борасида тажриба мактаби яратди.

Моҳир ташкилотчи, хушхулқ инсон Бектурди Жуманиёзовнинг ана шундай эзгу ишлари бугунгидай хуш айёмларда, фарзандларию яқинлари давраларида ҳамиша эсланади. Бу эл-юрт учун хизмат қилган киши умрининг давомида.
Холмурод ҚУРБОНОВ

○ Эҳтиёт шарт!

ПИЛЛА «ТИЛЛА»ГА АЙЛАНГУНЧА

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИГА ҲАМ РИОЯ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ

Айни кунларда пиллачиларимиз ипак қурти парваришlash мавсумини жадал давом эттиришаётир. Маълумки, ипак қуртининг «тилла»га – пиллага айлангунча нозик жиҳатлари кўп. Шулардан бири парвариш хонасининг мўътадил микроклимда бўлишидир. Бунинг учун эса, табиийки, иситиш мосламаларидан фойдаланиш зарурати юзага келади. Демакки, бу жараёнда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ҳам лозим.



маткаш ижодкорлар томонидан етиштирилган «кумуш тола»нинг келгуси тақдири уларнинг қўлида.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мавсумнинг кўнгидагидек ўтиши учун қуйидаги қоида ва талабларга риоя қилиш лозим:

— ипак қурти парваришланаётган жойларда бирламчи ёнгин ўчириш воситалари фойдаланишга шай ҳолда туриши, барча электр сим ва асбоблар назорат кўригидан ўтказилган ва соз ҳолга келтирилган бўлиши керак;

— таъмирланган ҳамда назорат кўригидан ўтказилган иситиш печлари сўрилардан 1 метрдан яқин бўлмаган масофада ўрнатилиши, агарда печ ўрнатилган хоналар пол қисми ёғочдан бўлса, ундан печ остига 50 сантиметрга 70 сантиметр кенликдаги тунука ўрнатилиши лозим;

— иситиш печларини узок муддат ёқилган ҳолда назоратсиз қолдирмаслик, печлар назоратини, ўтин қалашни ёш

болаларга ишониб топширмаслик даркор;

— қўлбола электр иситгичлардан фойдаланиш, пиллаҳоналарда бензин, керосин каби тез ёнадиган ёнилғилардан асло фойдаланмаслик ва улар сақланишига йўл қўймаслик керак;

— хоналардаги электр лампалар ҳимоя қалпоқлар билан таъминланган бўлиши лозим;

— парвариш жараёнида оловдан фойдаланиш тақиқланади;

— барча пилла қабул қилиш масканлари ва сақлаш таянчлари бирламчи ёнгин ўчириш воситалари билан таъминланган, ҳовузлар сув билан тўлдирилган, бино ва қурилмаларнинг ёғоч қисмлари, брезент ва шолчаларни тез ёниш хусусиятини пасайтириш мақсадида ёнгинга қарши кимёвий суюқлик билан ишлов берилган бўлиши керак.

А.ХУДАЙКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ ЁХББ катта
муҳандиси, майор.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ИНШОТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

(Андижон шаҳар Навоий кўчаси 45-уй, Тел (998 74) 224-19-97, 224-31-64)

1. Андижон шаҳридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси биноси қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **1.109.346.190 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **924.455.158 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **210 кун.**

2. Олтинқўл туманидаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси биноси қурилиши.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) – **1.243.005.000 сўм.**

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) – **1.035.837.500 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **240 кун.**

Ишларни молиялаштириш: бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу объектларда танлов савдо (тендер)ларни ўтказишда, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил мурожаат этишлари мумкин: Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларини нархи: **70 000 сўм.**

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишни охириги муддати, офёрталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

▼ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ БЎЛИНМАСИ

*Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан
мамлакатимиз аҳлига ўз
эҳтиромини кўрсатиб,
барча эзгу ниятлари
ижобат бўлишини
тилайди. Мудом
юртимиз тинч,
осмонимиз мусаффо,
дастурхонларимиз
тўкин-сочин бўлсин!*



9 - Хотира
ва қадрлаш
куни



«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MCHJNING XUDUDIIY FILIALLARI BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ҚАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимининг 02.03.2013 йилдаги 01-02/170-сонли хатига асосан тadbirkорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги ер участкаларининг узок муддатли фойдаланиш ҳуқуқи танловга такдоран куйилмоқда:

1. Сунъий қопламали спорт майдончалари учун Навоий шаҳар А.Темур кўчаси бўйлаб "Истироҳат боғи" худудидан (ижара шартномаси асосида) узок муддатли 10 (ўн) йилга фойдаланиш учун 2400,0 кв.м. 1-сонли ер участкасининг фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 808 640 сўм.

2. Сунъий қопламали спорт майдончалари учун Навоий шаҳар Навоий кўчаси бўйлаб "Истироҳат боғи" худуди (ижара шартномаси асосида) сузиш ҳавзаси орқа қисмидан узок муддатли 10 (ўн) йилга фойдаланиш учун 2 донга 800,0 кв.м.дан 1, 2-сонли ер участкаларининг фойдаланиш ҳуқуқи. Хар бир ҳуқуқнинг минимал қиймати - 602 800 сўмдан.

